



МОЛИЯВИЙ ҲИСОБДОРЛИК ВА ШАФФОФЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАРИ

Арипов Жавохир

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази
ORCID: 0009-0007-7080-8792
aripovjavohir@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик тушунчасининг назарий асослари ҳамда уларнинг давлат ва хусусий секторда самарали амалга оширилишининг аҳамияти ёритилган. Молиявий ҳисобдорлик ва шаффофликнинг мазмун-моҳияти турли назарий ёндашувлар: институционал назария, агентлик назарияси, яхши бошқарув назарияси, янги давлат бошқаруви назарияси ва жамоатчилик иштирок назариялари асосида таҳлил қилинган. Тадқиқот натижалари молиявий ҳисобдорлик ва шаффофликнинг юқори даражаси иқтисодий барқарорлик, инвестиция муҳитининг яхшиланиши, коррупциянинг камайиши ва ижтимоий ишончнинг ошишига хизмат қилиши ҳақидаги хулосаларни тасдиқлайди.

Калит сўзлар: молиявий ҳисобдорлик, молиявий шаффофлик, институционал назария, агентлик назарияси, яхши бошқарув, янги давлат бошқаруви, жамоатчилик иштироки, халқаро молиявий стандартлар, бюджет очиқлиги, иқтисодий барқарорлик.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К КОНЦЕПЦИИ ФИНАНСОВОЙ ПОДОТЧЁТНОСТИ И ПРОЗРАЧНОСТИ

Арипов Джавахир

Научно-исследовательский центр
«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»
при Ташкентском государственном экономическом университете

Аннотация. В статье рассматриваются теоретические основы концепции финансовой подотчётности и прозрачности, а также важность их эффективной реализации в государственном и частном секторах. Содержание и сущность финансовой подотчётности и прозрачности анализируются на основе различных теоретических подходов: институциональной теории, теории агентств, теории надлежащего управления, теории нового государственного управления и теорий общественного участия. Результаты исследования подтверждают выводы о том, что высокий уровень финансовой подотчётности и прозрачности способствует экономической стабильности, улучшению инвестиционного климата, снижению коррупции и повышению общественного доверия.

Ключевые слова: финансовая подотчётность, финансовая прозрачность, институциональная теория, теория агентств, надлежащее управление, новое государственное управление, общественное участие, международные финансовые стандарты, открытость бюджета, экономическая стабильность.

THEORETICAL APPROACHES TO THE CONCEPT OF FINANCIAL ACCOUNTABILITY AND TRANSPARENCY

Aripov Javakhir

Scientific Research Center "Scientific Foundations and Problems of the Development of the Economy of Uzbekistan" under Tashkent State University of Economics

Abstract. This article explores the theoretical foundations of financial accountability and transparency, highlighting their importance in the effective implementation in both the public and private sectors. The content and essence of financial accountability and transparency are analyzed through various theoretical approaches, including institutional theory, agency theory, good governance theory, new public administration theory, and public participation theories. The results of the study confirm the conclusions that a high level of financial accountability and transparency contributes to economic stability, improvement of the investment climate, reduction of corruption, and increased social trust.

Keywords: financial accountability, financial transparency, institutional theory, agency theory, good governance, new public administration, public participation, international financial standards, budget openness, economic stability.

Кириш.

Глобализация жараёнларининг чуқурлашиши ва иқтисодий муносабатлар тармоғининг кенгайиши молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик масаласини жаҳон иқтисодиётида энг устувор йўналишлардан бирига айлантирди. Бугунги кунда давлат сектори, хусусий бизнес ва нодавлат ташкилотлар фаолиятида молиявий маълумотларнинг тўғри, аниқ ва ўз вақтида тақдим этилиши нафақат ички бозор иштирокчилари, балки халқаро ҳамжамият учун ҳам ишонч ва барқарорликнинг асосий мезони сифатида намоён бўлмоқда. Молиявий ҳисобдорлик ва шаффофликнинг етарли даражада таъминланиши иқтисодий тизимнинг барқарор ривожланиши, инвестиция муҳитининг яхшиланиши, коррупция хавфининг пасайиши ва ижтимоий ишончнинг ошишига хизмат қилади.

Хусусан, молиявий ҳисобдорлик (financial accountability) молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, уларнинг манбалари ва сарфланиши ҳақидаги аниқ ахборотни манфаатдор томонларга тақдим этиш мажбурияти сифатида таърифланса, молиявий шаффофлик (financial transparency) эса мазкур ахборотнинг очиқлиги, текшириш имконияти ва кенг жамоатчилик учун тушунарли шаклда тақдим этилиши билан тавсифланади. Шу маънода, ҳисобдорлик ва шаффофлик ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалар бўлиб, улар биргаликда самарали молиявий бошқарувнинг заминини ташкил этади.

Адабиётлар шарҳи.

Молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик иқтисодий фаннинг турли соҳаларида кенг ўрганилаётган тушунчалардан бири ҳисобланади. Ушбу масала бухгалтерия ҳисоби, молиявий бошқарув, корпоратив бошқарув, давлат молияси, халқаро молиявий стандартлар ва коррупцияга қарши кураш соҳалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг назарий ва амалий жиҳатларига оид турли илмий мактаблар ва тадқиқотлар мавжуд.

Молиявий ҳисобдорлик назарияси XIX аср охири — XX аср бошларидаги классик иқтисодий фикр ва бухгалтерия мактаблари тажрибасига таянган ҳолда ривожланган. Бухгалтерия назариясида Люка Пачоли томонидан асос солинган икки ёзувли ҳисоб тизими молиявий ҳисобдорликнинг дастлабки назарий пойдевори бўлиб хизмат

қилди. Кейинчалик, XX асрда Патон ва Литтлтон (1940) молиявий ҳисоботни фақат ҳисоб-китоб воситаси эмас, балки бошқарув қарорларини қабул қилишда асосий ахборот манбаи сифатида қараш зарурлигини таъкидлади.

Хендриксен ва Бредфорд (1992) ўз ишларида молиявий ҳисобдорликнинг мақсади манфаатдор томонлар олдида ҳисоб бериш эмас, балки уларнинг қарорлар қабул қилишдаги ахборот талабларини қондириш эканлигини қайд этади. Шу билан бирга, Хопвуд (2007) молиявий ҳисобдорликни ижтимоий масъулият ва корпоратив этика билан узвий боғлиқ жараён сифатида изоҳлайди.

Шаффофлик тушунчаси эса кўп жиҳатдан Стиглиц (1999) ва Флорини (2007) ишларида ёритилган бўлиб, улар ахборотнинг очиқлиги иқтисодий самарадорлик ва бозор интизоми учун ҳал қилувчи омил эканлигини асослайдилар. Стиглиц ахборот асимметрияси муаммосини таъкидлаб, уни енгишнинг энг самарали йўли сифатида шаффофликни кўрсатади.

Нортнинг (1990) институционал иқтисод назариясига кўра, молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик даражаси мамлакатдаги қонунчилик тизими, молиявий институтлар салоҳияти ва ижтимоий ишонч даражаси билан бевосита боғлиқ. Институтлар самарадорлиги қанча юқори бўлса, ҳисобдорлик ва шаффофлик ҳам шунча кучли намоён бўлади.

Зотиков & Урусованинг (2023) фикрича, молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик давлат молия тизимининг барқарорлиги ҳамда самарадорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Шаффофлик бюджет маълумотларини очиқ тақдим этиш ва молиявий жараёнларни жамоатчиликка тушунарли шаклда етказиш орқали амалга ошади. Ҳисобдорлик эса молиявий қарорлар учун масъулиятни белгилаш, харажатлар ва даромадлар устидан назорат қилиш орқали таъминланади. Шу йўсинда, олимлар бюджет тизимида шаффофлик ва ҳисобдорликни ошириш иқтисодий ривожланиш ва жамият ишончини кучайтиради, деб ҳисоблайдилар.

Умуман олганда, молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик бу фақат ҳисобот топшириш шартлари эмас, балки узоқ муддатли барқарорлик, самарали бошқарув, жамият ишончи ва иқтисодий ўсишнинг асосий кафолати ҳисобланади деган хулоса шаклланади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Халқаро амалиётда молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик тамойиллари Халқаро Валюта Жамғармаси (IMF), Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) ҳамда Базел қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларда кенг ёритилган. Масалан, OECDнинг “Корпоратив бошқарув тамойиллари”да молиявий ахборотнинг очиқлиги ва манфаатдор томонлар олдида ҳисобдорлик қилиш жараёни корпоратив барқарорликнинг асосий устунларидан бири сифатида белгиланган.


Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда молиявий ҳисобдорлик ва шаффофликни таъминлаш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Давлат молиясини бошқариш тизимини модернизация қилиш, бюджет жараёнларида очиқлик индексини ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот стандартларини халқаро мезонларга мослаштириш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, 2020 йилдан бошлаб Давлат бюджетининг даромад ва харажатлари ҳақидаги маълумотлар очиқ порталда эълон қилиниши, айрим давлат ташкилотларида “Ижтимоий ҳисобдорлик ҳисоботи” амалиёти жорий этилиши бу борадаги сезиларли ютуқлардан ҳисобланади.

Баъзан амалга оширилаётган ишларга қарамай, молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик даражасини тўлиқ халқаро стандартларга мослаштиришда ҳали ечимини кутаётган қатор масалалар мавжуд. Хусусан, ахборот тақдимотининг сифат даражаси, маълумотларнинг таҳлилга яроқли формати, мустақил аудит жараёнларининг

самарадорлиги ва манфаатдор томонлар ўртасидаги коммуникациянинг кучайиши каби йўналишларда илмий асосланган таклиф ва тавсияларга эҳтиёж катта.

Шу нуқтаи назардан, мазкур тадқиқотнинг мақсади молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик тушунчаларининг назарий асосларини чуқур ўрганиш, уларнинг институционал ўзига хосликларини таҳлил қилиш ҳамда Ўзбекистон шароитида самарали амалга ошириш механизмларини илмий асосда ишлаб чиқишдан иборат.

Молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик бўйича назарий ёндашувлар тадқиқотларда қуйидагича асосланади (1-расм):



1-расм. Молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик бўйича назарий ёндашувлар

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Энди расмда келтирилган назарияларни бирма-бир кўриб чиқадиган бўлсак, Институционал назария (Institutional Theory)га кўра, молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик турли мамлакат ва ташкилотларда ҳуқуқий тизим, маданий анъаналар ва ташкилотнинг ички қоидалари таъсирида шаклланади. Масалан, халқаро давлат бухгалтерия стандартларини (SAP, IPSAS) жорий этиш кучли институционал қўллаб-қувватлаш бўлган мамлакатларда шаффофлик ва ҳисобдорликни оширган, аммо ресурс етишмаслиги ва бюрократик қаршиликлар баъзи жойларда самарадорликни чеклаган ([Sonjaya et al., 2025](#)).

Яхши бошқарув (Good Governance Theory) тамойилларига кўра, ҳисобдорлик ва шаффофлик самарали бошқарувнинг устун устунларидир. Улар ички назорат, очиқ қарор қабул қилиш ва тўлиқ ҳисобот бериш орқали молиявий тизимда ишончни мустаҳкамлайди. Тадқиқотларда, хусусан, молиявий регуляцияда шаффофлик қонун устуворлиги ва бозор барқарорлиги учун “барқарорликни таъминловчи омил” сифатида таърифланган ([Kaufmann & Weber, 2010](#)).

Агентлик назарияси (Agency Theory) ахборот асимметрияси муаммосига ечим сифатида шаффофликни кўради. Агар ташкилот раҳбарияти (агент) молиявий маълумотларни очиқ ва ўз вақтида етказса, манфаатдор томонлар (инвесторлар, аъзолар, жамоат) қарорларни аниқ маълумот асосида қабул қилади. Масалан, кооперативларда аъзоларга молиявий маълумот бериш уларнинг ишончини таъминлайди ва агентлик муаммоларини камайтиради ([Rubiyanity et al., 2025](#)).

Янгича давлат бошқаруви назариясида (New Public Management Theory) давлат секторини бозорга ўхшаш тарзда самарали бошқариш концепцияси ҳисобдорлик ва шаффофликни асосий мезонлардан бири сифатида кўради. Масалан, Танзанияда IPSAS стандартларини жорий этишдан кейин ҳисобдорлик давлат сектори молиявий самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатгани аниқланган, шаффофликнинг таъсири эса чекланган бўлган ([Lyezia & Kapaya, 2024](#)).

Жамоатчилик иштирок назарияси (Participatory Governance Theory) молиявий ҳисобдорлик фақат ҳисобот бериш билан чекланмайди, балки жамоатчиликнинг бевосита иштирокини ҳам қамраб олади. Сиёсий барқарорлиги паст, институтлари заиф мамлакатларда (масалан, Қирғизистон) ҳисобдорлик ва шаффофлик маҳаллий даражада турмуш шароитини яхшилаш ва жамоа фаоллигини ошириш йўлида амалга оширилади ([Moldaliev, 2021](#)).

Юқоридагиларга асосланадиган бўлсак, молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик тушунчаси замонавий давлат бошқаруви ва молия тизимининг асосий тамойилларидан бири бўлиб, унинг назарий асослари турли илмий ёндашувларда ўз аксини топган. Институционал ўзига хосликлар ушбу тамойилларни ҳаётга татбиқ этишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Қонунчилик ва бухгалтерия стандартлари молиявий ҳисоботнинг ҳуқуқий асосини таъминласа, сиёсий барқарорлик ва маданий анъаналар унинг ижтимоий қабул қилиниши ва амалий самарадорлигини белгилайди. Технологик инфратузилма, хусусан рақамли платформа ва блокчейн каби инновациялар, маълумотлар шаффофлиги ва реал вақтда мониторинг имкониятларини кенгайтиради. Шу билан бирга, кадрлар салоҳияти, институционал тайёргарлик ва ички назорат тизимларининг самарадорлиги ушбу жараённинг узлуксизлигини таъминлайди.

Хулоса ва таклифлар.

Илмий адабиётлар таҳлили ва амалий тажриба натижалари шуни кўрсатадики, молиявий ҳисобдорлик ва шаффофликнинг юқори даражаси халқаро ҳисобот стандартларига мос қонунчилик базаси, институционал муҳитнинг самарали фаолияти ва миллий иқтисодий сиёсатнинг уйғунлиги билан бевосита боғлиқ. Жумладан, Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (IFRS), Давлат сектори учун халқаро ҳисобот стандартлари (IPSAS) ва Очиқ бюджет индекси каби мезонлар мамлакатларда молиявий маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончилиги ва фойдаланувчи учун тушунарлилиги даражасини баҳолашда асосий ўлчов воситалари сифатида қўлланилади.

Шу билан бирга, миллий иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларига молиявий ҳисобдорлик ва шаффофлик тамойилларини интеграция қилиш давлат молиясини самарали бошқариш, коррупция хавфини камайтириш ва ижтимоий ишончни мустаҳкамлашда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Институционал муҳитнинг кучлилиги эса молиявий ахборотнинг ҳаққонийлиги ва таҳлил учун очиқлигини таъминлайдиган мустақил аудит, ҳисоб палаталари ва жамоатчилик назорати каби механизмлар мавжудлиги билан белгиланади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Florini, A. (2007). *The Right to Know: Transparency for an Open World*. Columbia University Press, New York.

Hendriksen, E.S., & Breda, M.F. van. (1992). *Accounting Theory* (5th ed.). Irwin/McGraw-Hill, Boston, MA.

Hopwood, A.G. (2007). Whither accounting research? *The Accounting Review*, 82(5), 1365–1374. <https://doi.org/10.2308/accr.2007.82.5.1365>

- Kaufmann, C., & Weber, R. (2010). *The Role of Transparency in Financial Regulation*. *Journal of International Economic Law*, 13, 779-797. <https://doi.org/10.1093/JIEL/JGQ037>.
- Lyezia, M., & Kapaya, S. (2024). *Influence of Transparency and Accountability on Public Sector Financial Performance: Evidence from Tanzania*. *Journal of Economics, Management and Trade*. <https://doi.org/10.9734/jemt/2024/v30i81233>.
- Moldaliev, J. (2021). *Localizing transparency and accountability in extractives*. *The Extractive Industries and Society*. <https://doi.org/10.1016/j.exis.2021.100991>.
- North, D.C. (1990). *Institutions, Institutional Change and Economic Performance*. Cambridge University Press, Cambridge, UK.
- Paton, W.A., & Littleton, A.C. (1940). *An Introduction to Corporate Accounting Standards*. American Accounting Association, Evanston, IL, USA.
- Rubiyanty, I., Mubaroq, A., & Rafinda, A. (2025). *The Effect of Accountability and Transparency on Cooperative Financial Management of Sakra Warih Conventional Consumer Cooperative of Banyumas Regency*. *Owner*. <https://doi.org/10.33395/owner.v9i1.2400>.
- Sonjaya, Y., Prasetianingrum, S., Auliyah, I., & Labo, I. (2025). *Implementation of Public Sector Accounting Systems and Standards in Improving Financial Transparency*. *Advances in Applied Accounting Research*. <https://doi.org/10.60079/aaar.v3i1.420>.
- Stiglitz, J.E. (1999). *Transparency in government*. *The World Bank Research Observer*, 11(2), 163-184. <https://doi.org/10.1093/wbro/11.2.163>.
- Зоти́ков, Н., & Уру́сова, И. (2023). *Местные бюджеты: доходы, межбюджетные трансферты, долговые обязательства*. *Vestnik of Volga State University of Technology Economics and Management*. <https://doi.org/10.25686/2306-2800.2023.1.45>.